

## Бақара сураси, 250-оят

09:30 / 02.04.2018 4393

**Жолут ва унинг лашкарларига рўбарў келганларида: «Роббимиз, устимиздан сабр тўккин, қадамларимизни собит қилгин ва кофир қавмлар устидан бизга нусрат бергин», - дедилар. Бақара 250.**

Улар душман билан тўқнашганларида дуо қилиб, Аллоҳдан сўрайдиган нарсаларини сўрашга шошилдилар. Ўша пайт дуо қабул бўладиган пайт. Ҳақиқий мўминлар ҳар доим Аллоҳни эсдан чиқармайдилар. Аллоҳнинг кўрсатмасига биноан, керакли тадбирларни ишга соладилар ва ҳамма нарса қўлида бўлган Зотга ёлворадилар.

«Роббимиз, устимиздан сабр тўккин» ибораси сабр худди тўкиладиган нарсадек тасаввур беради. Худди сувни тўккандек, бошидан тўкиб юборса, оқиб, оёғига тушади. Энг керакли нарса бўлганлиги учун мазкур мўминлар энг аввал сабрни зикр қилишди.

«...**қадамларимизни собит қилгин...**» - «буулуғ ишда қадамимиз тойилмасин, собит турсин». Бу ҳам Аллоҳнинг ёрдами билан бўладиган иш.

**«...ва кофир қавмлар устидан бизга нусрат бергин», - дедилар».**

Мўминларнинг орзуси кофирлар устидан ғолиб чиқишдир. Уларнинг орзуси рўёбга чиқди.